# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

**(Боши 1-бетда)**

дан анча паст бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди.

Шуниси муҳимки, бу камомад инфляциядан холи бўлган манбалар — қисқа муддатли давлат облигацияларини 1,5 фоиз сотиш ва банк кредитларидан тушган даромадлар ҳисобидан қопланди.

1997 йилда нақд пул эмиссиясини назорат қилиш ва бошқаришнинг янги механизми жорий этилиб, самарали ишлай бошлади. Жойларда аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш, пул массасини товар билан мустаҳкамлаш масалалари билан фаол шуғулланилди. «Ўзбексавдо» ва «Ўзмаишийиттифоқ» тизимларининг янги асосда қайта ташкил этилгани ҳам бунга кўмаклашди.

1997 йилнинг январь-декабрь ойларида нақд пул эмиссияси 1996 йилдаги 26 фоиз ўрнига 7,8 фоизни ташкил этди. Бу ўринда **шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланмоқда.**

Изчил пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши туфайли умумий пул массаси ошиши суръати кескин равишда — 2,9 марта пасайди. Бу эса, инфляция даражасини жиловлашда, қисқартиришда ўз аксини топди. Инфляциянинг ўрта ҳисобдаги ойлик суръати 2,1 фоизни ташкил этди ёки 1996 йилдагига қараганда 2 баравар камайди.

Учинчидан. **Пул муомаласининг мустаҳкамланиши, инфляция даражасининг пасайиши аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш ва унинг даромадини кўпайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар билан биргаликда аҳолининг кўпгина қатламлари моддий аҳволини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.** 1997 йилда аҳолининг муайян пул даромадлари жон бошига кўзда тутилгандан 10,5 фоиз ошди.

Аҳолининг даромадлари ошибгина қолмай, уларнинг манбалари ҳам ўзгармоқда. Барча даромадларнинг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан тушмоқда. Якка меҳнат фаолиятидан тушган даромад улуши 2 мартадан ошиқроққа кўпайди. Деҳқон хўжаликлари фаолиятидан тушган даромад ҳам салмоқли манбага айланди. Буларнинг барчаси бозор муносабатларининг иқтисодиёт ва ҳаётимизга самарали жорий этилаётганидан далолатдир.

Сўмнинг харид қобилияти мустаҳкамлангани ҳамда оилаларнинг муайян даромадлари ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат, барпо этилган аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза тизими, ижтимоий таъминот ва серфарзанд оилаларга ёрдам тизимининг ислоҳ қилингани жамиятимизда фуқароларнинг даромадлар бўйича қутбларга ва гуруҳларга ортиқча бўлинишининг олдини олди, аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўймади.

Аҳолининг пул даромадлари таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг кам ва ўрта даромад оладиган гуруҳларининг фаровонлиги ошиши ҳисобига энг кўп ва энг кам даромадлар орасидаги фарқ бугунги кунда 7,5 мартадан ошмайди.

Биз барпо этган тизимнинг яна бир устунлиги шундаки, кўпчилик оилалар томорқага, яъни, муайян даромад манбаига, ўзини зарур нарсалар билан таъминлаш имконига эгадир. Бунинг учун тер тўкиш, сидқидилдан меҳнат қилиш керак, холос. Шунинг учун ҳам бизда ишсизлик масаласи у қадар долзарб эмас.

Буларнинг барчаси — **Инсон манфаатлари йили** деб эълон қилинган 1997 йилдаги муайян тадбирлар Дастурининг изчиллик билан амалга оширилгани натижасидир.

Бу борада айнан нималар қилинди, деган савол туғилиши мумкин.

Ижтимоий-маданий тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастурининг амалга оширилиши учун давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки барча бюджет харажатларининг қарийб 40 фоизи ажратилди. Шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун 30 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари қурилиши учун 34 миллиард сўм ажратилди.

Бу — йил давомида 6,7 миллион квадрат метр уй-жойни ишга тушириш имконини берди. Шундан 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қишлоқда барпо этилди. Турар-жой сертификатлари бўйича сотиб олинадиган уй-жой нархининг 50 фоизини қоплаш учун бюджетдан 1,2 миллиард сўм ажратилди.

64 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг беморга мўлжалланган шифохоналар, бир сменада 11,7 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар қурилди. Янги ишга туширилган ижтимоий соҳа объектларининг учдан икки қисми қишлоқда барпо этилди.

Аҳоли пунктларини сув ва газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида 4,9 минг километр газ тармоғи ҳамда 1,8 минг километр сув қувурлари тармоғи қурилиб ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда 159 та қишлоқ тиббиёт пункти ишга туширилди, 202 та тиббиёт муассасаси қишлоқ тиббиёт пунктларига айлантирилди. Европа Ҳамжамияти Комиссияси кредити ҳисобига 5,3 миллиард сўмлик дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари сотиб олинди.

Бундан ташқари, 30 хил янги дори-дармон ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мураккаб ўлка шароитимизда ўта зарур бўлган қонга қуйиладиган суюқ эритмалар ишлаб чиқариш бошланди.

Тошкентда «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуи, «Юнусобод» ёпиқ теннис корти, бошқа бир қанча спорт ва соғломлаштириш муассасалари қурилиши тугалланди. Тошкентдаги ҳайвонот боғининг биринчи навбати қуриб битказилди.

Ногиронларни даволаш бўйича республика маркази ташкил этилди. Тошкентда, Навоийда ва Фарғонада болалар ва катталар учун полиэмилит марказлари қурилди. 16 ёшгача бўлган фарзанди бор оилаларга нафақа тўлаш учун 9,6 миллиард сўм сарфланди.

Илк бор 1-синф ўқувчилари ўқув қуроллари билан, камхарж оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандлари қишки кийим-бош билан таъминланди. Мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиларининг турмуш шароитини ва меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди.

Бадиий академия ташкил этилди. Академия кишиларни тасвирий санъат, халқ ижодиёти жавоҳирларидан баҳраманд этади, кишилар онгида юксак маънавий фазилатлар ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради.

«Умид» жамғармаси ташкил этган танловларда ғолиб чиққан юзлаб иқтидорли йигит-қизларга давлат ҳисобидан нуфузли хорижий ўқув юртларида таълим олиш учун йўлланма берилди.

Ҳозирги пайтда янги ташкил этилган «Устоз» жамоатчилик жамғармасининг олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини хорижда қайта тайёргарликдан ўтказишга юбориш бўйича дастури ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган йили инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, инсоннинг маданий, маънавий ва интеллектуал манфаатларини юзага чиқариш борасида кўплаб чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, 1997 йилга мўлжалланган инсон манфаатларини юзага чиқариш бўйича тадбирлар Дастурининг асосий қоидалари ва талаблари бажарилди. Шу билан бирга, дастурнинг айрим бўлимлари бўйича қолоқликка йўл қўйилгани, айрим объектларни ишга тушириш муддатлари барбод бўлганини ҳам эътироф этиш лозим.

Энг катта оқсоқлигимиз сифатида инсон эҳтиёжларига юзаки, масъулиятсизларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳали кўп эканини очиқ тан олишимиз керак. Шу ўринда бир ҳақиқатни қайта ва қайта таъкидлашни истардим: барча ислоҳотларимиз, жамиятимизни янгилаш ва демократиялашнинг асосий мақсади, умуман, барча саъй-ҳаракатларимиз пировард мақсадининг ўзи — инсон манфаатларини қондиришни таъминлашдир.

**1997 йилнинг устувор вазифаларидан бири — инвестицион фаолиятни, бошқача айтганда иқтисодиётга сармоялар ёткизишни жадаллаштириш бўлди.**

Ўтган йил молиявий таъминотнинг барча манбалари ҳисобига 270 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди ёки бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 17 фоиз ўсди. Инвестициялашнинг бундай юксак суръати кейинги ўн йилда деярли кузатилган эмас.

Диққатга сазовор жойи шундаки, жами инвестицияларнинг 63 фоизидан ортиғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторида ўзлаштирилди.

Шу ўринда хорижий инвестицияни жалб этишга алоҳида эътибор берилганини айтиб ўтиш керак. 1997 йилда 1,1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, бу борада 1996 йилга нисбатан 1,3 баравар ўсишга эришдик. Капитал маблағлар умумий ҳажмининг бешдан бир қисми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

Инвестиция ва тузилма сиёсатида асосий эътибор амалдаги ишлаб чиқариш тармоқларини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қиймат улушини таъминловчи янги, илғор технологияларга эга корхоналар қуришга қаратилди. Умумий сармоя миқдорининг 30 фоизи замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди.

Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ, қисқа муддатларда иқтисодиётнинг мутлақо янги, самарали тизимларини шакллантиришга имкон берувчи йирик корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йилига 2,5 миллиард куб газ ҳайдаш қувватига эга Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Қўқон» спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси шулар жумласидандир.

Фарғона кимёвий тола заводи таркибида полиамид ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех қурилиши ниҳоясига етказилди. Қизилқум фосфорит комбинати, шунингдек, кимё, енгил саноат, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларга дахлдор қурилишлар бўйича қатор чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Таъмирлаш ва янги ишлаб чиқариш тармоқларини бунёд этиш эвазига маҳсулот турлари кўпайди. Хориждан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш рағбатлантирилмоқда.

Ички бозорни рақобатга бардошли ўз маҳсулотларимиз билан тўлдиришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилялти. Инвестицион сиёсатимиз жойларда татбиқ этилиши туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ривожланишига, тараққиётига эътибор берилмоқда. Бу — ўта муҳим, диққатга сазовор ҳодиса.

Қувончли тарафи шундаки, ҳудудлар тизими ва қиёфасини тубдан ўзгартираётган янги корхоналар мамлакатимизнинг барча вилоятларида қурилмоқда. Номлари зикр этилган Андижон автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси, Самарқанд тамаки фабрикаси, Хоразм чанқовбосди ичимликлар заводи каби ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Транспорт ва алоқага ажратиладиган капитал маблағлар ҳажми кескин кўпайди. Мазкур соҳаларга 54 миллиард сўм сарфланиб, бу умумий сарф-харажатларимизнинг 20 фоизини ташкил этади. Навоий-Учқудуқ-Султониздоғ-Нукус темир йўлининг мавжуд тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Йўлнинг Учқудуқ-Султониздоғ қисмида, янги Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилишида катта ҳажмда тупроқ ишлари бажарилиб, рельс ёткизишга тайёрланди. Мавжуд темир йўл тармоқларини электрлаштириш, Тошкент-Андижон-Ўш-Қашғар автомобиль йўлининг Қамчиқ довони участкасини қуриш ва таъмирлаш давом этмоқда.

Республикамизнинг экспорт қувватини ошириш ҳамда изчил ташқи иқтисодий фаолият юритиш 1997 йилнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган эди.

Ўтган йил етакчи халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЭСКАТО, ЮНКТАД комиссиялари, Европа Иттифоқи Комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа Таъмирлаш ва Тараққиёт банки билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Қатор инвестицион лойиҳалар, жумладан, япон ва немис кредитлар тармоғи, АҚШнинг Экспорт-импорт банки билан ҳамкорликдаги ҳамда Ўзбекистон-Америка қўшма дастури доирасидаги «Конверсия» лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

1995-1996 йилларда 57 лойиҳа бўйича иш бошлаган бўлсак, шунинг 23 таси 1997 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилди. Жорий йилда эса 25 та лойиҳа бўйича ишни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Қўшма корхоналар тузиш йўли билан иқтисодиётга хорижий инвестицияни бевосита жалб этиш ривожланмоқда. Ҳозирги кунга келиб дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 3200 дан ортиқ қўшма корхона рўйхатга олинган.

1997 йилда ташқи савдо обороти қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу ўринда экспорт таркибида туб ўзгаришлар рўй берганини айтиб ўтиш керак. Экспортнинг анъанавий турлари - пахта, рангли металл билан бир қаторда Ўзбекистон бугун четга тармоқ маҳсулотлари — калава, бензин, автомобиль сотишни йўлга қўйиб, жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмоқда.

Хомашё ресурслари экспорти улуши камайтирилиб, тайёр маҳсулотлар, жумладан, қайта ишланиш даражаси юксак бўлган маҳсулотлар экспорт қилиш ҳажми ошмоқда. Экспортнинг умумий ҳажми ўсиши нефть, нефть маҳсулотлари ҳамда табиий газ /4 марта/, автомобиллар /7,4 марта/, кимёвий штапель тола /6,8 марта/, кийим-кечаклар /64 фоиз/ ўсиши ҳисобидан эришилди.

Яна бир муҳим масалага алоҳида урғу бермоқчиман.

Товар ва маҳсулотларнинг талай турларини, мисол учун, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, пойабзал, ёқилғини ўзимиз ишлаб чиқара бошлаганимиз туфайли, уларни импорт қилиш, яъни четдан олиб келиш камайди.

Мисол учун: озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари импорти 2 баравар камайди. 1996 йил билан таққослаганда, дон маҳсулотлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари импорти 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари импорти 5 марта, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар импорти 17 марта, минерал ёқилғи, нефть импорти 2,5 марта, кийим-кечак импорти 7 марта, пойабзал ва шу турдаги маҳсулотлар импорти 4 марта қисқарди.

Импорт умумий ҳажмининг 74 фоизи ишлаб чиқариш техник мақсадларга мўлжалланган товар ва асбоб-ускуналар импортига тўғри келмоқдаки, бу бизнинг стратегик йўлларимизга мос тушади.

Шу билан бирга, қулай иқтисодий шарт-шароит яратилишига қарамасдан, кўпгина корхоналар 1997 йил режаларини бажара олмадилар.

Бу нуқсонларнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, серхаражат, сифати паст, рақобатга чидамсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски технологиялар мавжудлиги;

иккинчидан, бозорни яхши билмаслик, корхоналарнинг маркетинг хизмати суст ишлаётгани, экспортга доир шартномалар пухта ўйланмасдан, шошма-шошарлик билан тузилгани;

учинчидан, маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда монополия ҳамон сақланиб қолаётгани. Бу номақбул ҳол корхоналарга ички бозорда ўз маҳсулотларини исталган нархда ва исталган ҳажмда сотиш имконини беради. Натижада экспорт ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди;

тўртинчидан, экспорт қилинаётган маҳсулотларимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилган сертификатлари йўқлиги ва шунинг оқибатида уларни жаҳон нархларида сотиш қийинлиги. Бу, энг аввало, рангли металлар, машиналар, механизмлар савдосига тегишлидир.

Бир сўз билан айтганда, экспорт имкониятларимизни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган талай ички сабаблар мавжуд. Бу ҳар бир корхона миқёсида ҳам, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва компаниялар даражасида ҳам экспорт имкониятларини ошириш устида жиддий бош қотиришни тақозо этади.

**1997 йилда ички валюта бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга,** уни конвертациялаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, давлат эҳтиёжларини қондирадиган ҳамда тендер асосида ички бозорни тўлдирадиган импорт маҳсулотлар харид қилишнинг замонавий шаклларини жорий этишга алоҳида эътибор берилди.

Республика валюта бозорида реализация қилинган хорижий валютанинг умумий ҳажми **3,5 миллиард АҚШ долларидан** ошиб кетди.

Бу 1996 йилдагидан анча кўпдир. Ҳозирги пайтда 27 та ваколатли банк биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларида хорижий валюта сотиб олиш ва сотишни амалга оширмоқда.

1997 йилда экспортга мўлжалланган кенг истеъмол моллари ва маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий лойиҳаларни амалга ошириш ва хомашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар сотиб олиш учун ички конвертация ҳисобидан 2,5 миллиард АҚШ доллари сарфланди.

Ҳурматли дўстлар! Ўзингиз кўраяпсизким, ўтган йил давомида Ўзбекистон тараққиёти йўлида анча буюк ишлар қилинган. Аммо, 1997 йил якунларини танқидий кўз билан баҳолаб, шуни тан олишимиз керакки, бир қатор устувор вазифалар ҳали маромига етказиб бажарилмади.

Биринчи. **Кўплаб корхоналарнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда.** Зарар кўриб ишлаётган корхоналардаги вазият амалда ўзгармаяпти. 302 та корхона 1997 молия йилини 3,8 миллиард сўм зарар кўриб якунлади. Корхоналарнинг қарзи уларнинг ўз жамғармаларидан деярли икки баравар ошиб кетди.

1997 йилда 3096 та корхонанинг молиявий аҳволи таҳлил этилди. Хўжалик судлари томонидан 145 та корхона банкрот деб эълон қилинди, уларнинг 200 миллион сўмликдан зиёд мулки «кимошди» савдосига қўйилиб сотилди.

Аввалги йилда банкрот деб эълон қилинганлари билан қўшиб ҳисоблаганда 136 та корхона тугатилди.

Шу билан бирга, **айни пайтда банкротлик механизми корхоналарни ўз хўжалик-молиявий фаолиятига бошқача муносабатда бўлишга ундовчи таъсирчан чорага айланмаяпти.**

Қишлоқ хўжалигида 662 та корхона йилни зарар билан якунлади. Улардан 104 та хўжаликда санация ўтказишга мажбур бўлдик. Ҳисоб-китобнинг кўрсатишича, зарар кўриб ишлаётган қолган хўжаликларнинг 300 таси кредиторлик қарзларини етиштирган ҳосили ва мол-мулки ҳисобига қоплаши мумкин.

Қолганлари эса инқирозга учраши муқаррар бўлиб турибди.

Иккинчи. Банк-молия органлари кўраётган чораларга қарамай, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммосини тўла ҳал эта олмаяпмиз.

1998 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, муддати ўтказиб юборилган **дебиторлик қарзлари 50,2 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлари эса, 80,3 миллиард сўмдан** ошиб кетди. «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқурилиш» давлат концерни, «Ўзенгилсаноат» уюшмаси ва бошқа тизимлардаги корхоналарнинг қарздорлик даражаси энг баланд бўлиб қолмоқда.

Корхоналарнинг оғир молиявий аҳволи сабабларидан бири - аксарият жойларда корхоналар ҳануз бозор шароитларига мослаша олмаяпти, уларнинг раҳбарлари эса боқимандалик кайфиятидан халос бўлолмасдан, ҳалиҳануз давлат ёрдамига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтирибди. Кўпгина амалдорлар онгида туб ўзгариш бўлмаяпти, улар эски замондаги режали, фонд-тақсимот тизими қолипларидан чиқолмаяпти.

Учинчи. Шартнома интизоми ва томонларнинг ўзи имзолаган шартномалар бўйича масъулияти масаласи ҳам ҳамон ўзгармаяпти.

Иқтисодиётда, биринчи навбатда агросаноат мажмуида шартнома тизими ишламаётгани, субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажармагани учун етарли масъулият сезмаётганини гапираверИб чарчадик.

Сотиш ҳақида аввал ўйламасдан маҳсулот етиштириш, уни харидорга етказиш ҳақида шартномани шунчаки номига, хўжакўрсинга тўлдириш, кўпинча маҳсулот баҳосини ва томонларнинг аниқ масъулиятини кўрсатмаслик ҳоллари кўплаб учрайди. Оқибатда корхоналарнинг омборларида на ички бозор, на ташқи бозор кўтарадиган тайёр маҳсулотлар қолиб кетишига олиб келяпти.

1998 йил 1 январь ҳолатига кўра 21,3 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай қолган, шундан 5,4 миллиард сўмлиги шартномада кўзда тутилмаган маҳсулотдир. Айниқса, «Ўзмашсаноат», «Ўзавтотранс», «Ўзэлтехсаноат» уюшмаларига қарашли корхоналарда сотилмай ётган маҳсулот жуда кўп.

Бунинг учун ким жавоб беради?

**Қонун посбони бўлган ва бу масалалар юзасидан қабул қилинган директив ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилувчи Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва республика Прокуратураси қаёққа қараяпти?**

Бу идораларнинг ишини кўриб чиқиб, мана шу масалаларга, яъни шартномаларни сўзсиз бажаришни таъминлашга алоҳида эътибор беришларини талаб қиламиз.

Вазирликлар, идоралар, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг корхоналарни ислоҳ қилиш масаласида чалакам-чатти, ноизчил фаолияти, сусткашлиги ва боқимандa кайфиятда юриши танқидий ва қатъий баҳоланиши лозим.

Энг аввало, истиқболсиз корхона ва ташкилотларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да қўллаб-қувватлашдек хато йўлга барҳам бериш зарур. Зеро, бу йўл бозор талабига мутлақо ёт ва зиддир.

**Шуни назардан чиқармаслик керакки, самарасиз ишлайдиган корхоналар қарздорлик гирдобига фақат ўзлари ғарқ бўлибгина қолмай, бошқа корхоналарни ҳам ортидан тортиб кетади.**

Етарли даражада қонунчилик ва меъёрий асослар, бозор инфратузилмаси яратилган, банк ва молия, биржа ва улгуржи савдо тизимлари барқарор фаолият кўрсатаётган бугунги шароитда бундай аҳволга мутлақо чидаб бўлмайди.

Олти-етти йиллик ўтиш даврида ақли расо, масъулиятли, жавобгарликни сезадиган раҳбарларга бугунги замон талаб қиладиган услубда иш ташкил қилишга етарли имкон берилди. Энди бунақаларга тоқат қилиб бўлмайди.

Республикамизда Бош вазир Ўткир Султонов раҳбарлигида истиқболсиз корхоналарни инвентаризация қилиш ва саноатни қайта ихтисослаштириш бўйича ҳукумат комиссияси тузилган. Комиссия салкам 4 мингта корхона фаолиятини ўрганиб чиқиб, шулардан 202 таси бўйича қайта ихтисослаштириш, тузилмаларини янгилаш ва санация қилиш ёки тугатиш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида таклифлар берди.

Бироқ, ушбу комиссия ўз фаолиятида топширилган вазифани охиригача етказмаяпти. Қабул қилинган қарорларни ижро этишда қатъият ва собитқадамлик йўқ. Тугатиш учун тавсия қилинган 6 корхонадан фақат биттаси тугатилган, холос. Санация учун таклиф қилинган 91 корхонанинг атиги 17 тасига нисбатан ушбу тадбир қўлланилган.

**Ҳукумат комиссияси бошлаган ишини охирига етказиши шарт. Йилнинг биринчи ярмидаёқ маҳсулотлари ўтмайдиган, бозор талабига жавоб бермайдиган корхоналарнинг ҳар бири билан орани очиқ қилиш керак.**

Қачонгача омбор учун ишлаймиз!? Бозор кўтармайдиган маҳсулот учун вақт, маблағ ва меҳнат сарфлашга чек қўйиш зарур.

Зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш пайти етди.

Банкротлик тушунчаси амалда бўлиши керак. Бу ҳақда кўп гапирилди, аммо, минг афсуски, иш жуда секин боряпти. Ушбу соҳада ҳам хўжалик судлари ёмон ишлаётгани кўзга ташланадики, уларнинг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Фурсат ғанимат. Яқин орада ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий аҳволини ўнглаб олмасак, бу ҳол макроиқтисодий барқарорлик борасида қўлга киритган ютуқларимизга ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз корхона банкротликка учрагандан кейин кимлардир ишсиз қолишидан чўчимаслигимиз керак. Республикада кадрларни қайта тайёрлаш механизми барпо этилган. Истиқболи бор ташкилотлар эҳтиёжлари малакали кадрлар ҳисобидан таъминланмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес равнақи учун имкониятлар етарли. Кўпчилик, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти ўз турмуш фаровонлиги йўлида меҳнат қилишни истайдиган кишилар учун республикада барча шарт-шароит мавжуд эканига амин бўлмоқда.

**Ечимини кутаётган навбатдаги муҳим масала.** Биз ҳали ҳам корхоналарнинг ҳақиқий эгаларини етиштира олганимиз йўқ. Амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни ҳозирча кутилган натижани бермаяпти.

Хўш, бугунги кунда аҳвол қандай? Собиқ давлат корхоналари раҳбарларининг айби билан бу корхоналар шунчаки расмият учун, номигагина хусусийлаштирилган. Яъни, давлат корхонаси жамоа корхонасига айланган, бироқ акция эгаси бўлган меҳнат жамоаси аъзолари ўзини ҳақиқий мулкдор деб ҳис этгани йўқ.

Бугунги кунда республика миқёсида 700 мингдан ортиқ ҳиссадор бор. Бу - кам, бу - мутлақо етарли эмас. Аммо, улар ҳам ўз ҳиссаларини қўшимча ўн учинчи маош манбаи деб биладилар. Ҳалигача эски андозалар таъсиридан чиқолганимиз йўқ.

Акциядор, ҳиссадор киши ўзини ҳиссадорлик корхонасининг эгаси деб ҳисобламайди. Уларнинг кўпчилиги корхона меҳнат жамоасининг аъзолари бўла туриб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қайта ихтисослаштириш, қўшимча инвестициялар киритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва истеъмол бозорини кенгайтириш каби жараёнларга мутлақо жалб этилмаган.

Корхоналарни эркин бозорда ўз акцияларини тарқатиш, шу жумладан, хорижий сармоядорларни жалб этиш ҳисобига фойда кўришдан манфаатдор қиладиган механизм ишлаб чиқилмаган. 1998 йилнинг бошидаги маълумотга кўра, ҳиссадорлик жамиятлари эълон қилган қарийб **39 миллиард сўмлик акция сотилмаган ва тарқатилмаган.**

Буни қандай баҳолаш мумкин?

Шундай аҳвол вужудга келганки, у ё бу даражада **акциялаштириш ўтказилган, бироқ бу акциялаштириш корхоналар учун акцияларни сотиш ва уларнинг иккиламчи бозордаги қиммати ошиши эвазига қўшимча сармоялар келиб тушадиган манбага айланмаяпти.** Аниқ сўз билан айтганда, иккиламчи бозор мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Биз ҳали халқаро молия бозорида ўзимизга муносиб, керакли даражадаги нуфузга эга бўлолмаяпмиз ва хорижий сармоядорларни жалб қилолмаяпмиз. Бирорбир хорижий фонд биржасига ҳам чиқа олганимиз йўқ.

Акцияларни ташқи фонд бозорига тарқатиш вақти келди. Нима учун биз бу ишни мавжуд пахта заводларини акциялаштириш йўли билан амалга оширолмаймиз? Улардаги акцияларнинг бир қисмини халқаро қимматбаҳо қоғозлар бозорига чиқариш мумкин эмасми?

Минг афсуслар бўлсинки, Чжен жаноблари, Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштириш борасида Сиз раҳбарлик қилаётган Давлат Мулк қўмитасига ишониб, кўп масалаларни ўз назоратидан чиқариб юборган.

Давлат Мулк қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари эса бундан устомонлик билан фойдаланиб қолдилар. Уларнинг ягона ташвиши оқибатини ўйлаб ўтирмай, объектларни иложи борича кўпроқ сотишдан иборат бўлди.

Иш шу тахлитда кетаверса, ҳақиқий мулкдор пайдо бўладими? Ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш учун унга маблағни ким беради?

Давлат Мулк қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларида ноқобил ходимлар ўтирибди, тўрачилик, сансалорлик, ишга юзаки муносабат, юлғичлик ва порахўрлик иллатлари авж олган. Бу ҳолга чек қўйиш учун Қўмитанинг барча даражадаги жавобгар шахсларини аттестациядан ўтказиш бўйича махсус ҳукумат комиссияси тузилди. Бу муҳим соҳа учун малакали, ҳалол ходимларни танлаш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак.

Ҳурматли юртдошлар!

1998 йилда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг устувор жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз парламенти Олий Мажлисда 1998 йил давлат бюджетини тасдиқлаш жараёнида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий тараққиёт миқёслари атрофлича муҳокама этилиб, қабул қилинди ва матбуотда эълон қилинди.

1998 йилдаги иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишга киришар эканмиз, ўтган йил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган устувор жиҳатларни аниқлаб олишимиз зарур.

Биз учун бу йилги биринчи ва бош масала барқарор иқтисодий тараққиёт тамойилларини мустаҳкамлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб бориш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, пулнинг қадрсизланиши даражасини кескин камайтиришдан иборат.

Иккинчиси. **1998 йилни Оила йили деб эълон қилдик.** Бу борада 1998 йилда амалга оширилиши мўлжалланган махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда оила манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш кўзда тутилган.

Дастур оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, оила аъзолари соғлиғини сақлаш ва уларнинг билим даражасини кўтариш, оилани иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, оиланинг руҳий-маънавий асосларини ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришни такомиллаштириш учун шароит яратиш сингари кенг тадбирлар мажмуидан иборат.

Бугун барча масъул давлат ва жамоат тузилмалари, жойлардаги ҳокимият идоралари бу дастурий вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши ўта муҳимдир. Вазирлар Маҳкамаси Оила манфаатлари дастурининг бажарилишини алоҳида назоратга олиши лозим.

Учинчиси. **Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш**. Менимча, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммоларини ҳал этмай туриб, тўла маънодаги иқтисодий ислоҳотларимизни дадил давом эттириш мумкин эмаслиги барчага аён бўлиб қолди.

Энг муҳими, қишлоқни ислоҳ қилишни нимадан бошлаш кераклигини мен бир неча бор, қайта ва қайта айтганман - буни аввалaмбор, далада тер тўкаётган кишилар тафаккурини ўзгартиришдан бошлаш керак.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фермер, деҳқон ўзини ўзи ишлаб турган заминнинг хўжайини деб ҳис қилиши лозим. Шундагина у ернинг ҳолати ва ҳосилдорлиги, ерга ишлов бериш ва ундаги экин сифати учун жавобгарликни ҳис қилади, ҳосилдорлик ва етиштирилган ҳосилни сақлаш учун жон куйдиради, хуллас, меҳнатининг пировард натижасидан манфаатдор бўлади.

Матбуотда янги меъёрий ҳужжатлар - Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи /ширкат хўжалиги/ тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари эълон қилинди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар асосида янада такомиллашган, замонавий талабларга жавоб берадиган қонуний норматИвлар таянчи ётиши керак. Қишлоқ хўжалиги кооперативида мулкчиликнинг янги шакли топилган. Бу мулкий пайдир. Айнан ана шу пай деҳқон онгини янгилаши, унда мулкдорлик ҳиссини шакллантириши, ўз меҳнати натижасидан ҳамда моҳият эътибори билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги қуйи тармоғи - ширкатлар самарадорлигидан манфаатдорлик уйғотиши керак.

Қишлоқда кенг татбиқ этилаётган оила пудрати ишловчиларнинг ўз меҳнати, миқдор ва сифат кўрсаткичларига мувофиқ равишда ҳақ олишдан тўғридан-тўғри манфаатдорлигини таъминлаши керак.

Шу билан бирга, биз учун **фермер ва деҳқон хўжаликлари** орқали ўрта ва майда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти - товарлар ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳам устувор йўналиш ҳисобланади.

Шунга аминманки, фермер ва деҳқон хўжаликларига, энг аввало, чорвачилик, шунингдек, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга том маънода эркинлик берсак, улар мамлакатни ҳам тўйғизади, ўз маҳсулотини хорижга ҳам сотади.

Нега 1997 йили 1177 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатиб қўйганини таҳлил қилиб кўрайлик.

Агар қаердадир қонун талаблари ва меъёрларига риоя қилинмаган ҳолда, нафсиёти бизга номақбул фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, бунинг учун биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият раҳбарлари жавоб бериши керак. Чунки улар ердан, хусусан, суғориладиган майдонлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга жавобгар шахс ҳисобланади. Чунки - биз бу ҳақиқатни ҳам ҳазм этишга ўрганишимиз зарур, - ҳамма ҳам замонавий фермер бўлишга лойиқ эмас.

Энди ўзлари пиширган ошни ўзлари сузсин, ўзлари келтириб чиқарган муаммони ўзлари ечсин.

Орани очмоқчи бўлсак, масаланинг бошқа томонлари ҳам бор.

Нега кўпгина туманларда хусусийлаштирилган ферма ва фермер хўжаликлари ҳуқуқлари поймол қилиняпти?

Нега жамоа хўжаликлари, хусусан, қолоқ хўжаликлар раҳбарлари самарали ишлаётган фермер хўжаликларининг даромад ва фойдаларига кўз олайтиради?

Бу масала-саволларга холисона жавоб беришимиз керак.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича 1998-2000 йилларга мўлжалланган комплекс Дастур қабул қилиш керак. Унда бозор иқтисодиёти талабларига мос замонавий аграр ва иқтисодий муносабатларни жорий этишга қаратилган, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғчилик ҳамда чорва наслчилигини такомиллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

Гап фақат бундай дастурни қабул қилишдагина эмас. Унинг ижросини доимий назорат қилиб бориш ҳам керак.

Тўртинчи устувор йўналишимиз. **Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш**. Тажриба шуни кўрсатадики, жаҳонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсиш, ишсизлик даражасининг пасайиши ва аҳолининг даромадлари ошишига эришган бирор мамлакат йўқ. Биз ҳам бу ҳақда кўпдан бери гапирамиз.

Бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинди, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган инфратузилма ташкил этилди. Бироқ бу масалаларда жиддий силжишлар юз бераётгани йўқ.

Бугун кичик корхоналар моддий-техникавий ва хомашёвий ресурсларнинг кўп турларини топишда қийналяпти. Тижорат банклари кичик бизнес учун узоқ муддатли қарз бериш билан амалда шуғулланмаяпти.

Ички кредит ресурсларининг етишмаслиги ҳаммага аён. Лекин бошқа бир йўл - хорижий кредитларни ўзлаштириш суръатларида сусткашлик бор. Шу мақсадлар учун ажратилган **350 миллион АҚШ долларидан бор-йўғи 1,5 миллион доллар** ўзлаштирилган, холос.

Қисқа муддатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратилган хорижий кредитларни ўзлаштиришни тезлаштиришга, бу борадаги барча тўсиқларни, қуруқ расмиятчилик ва тўрачилик ғовларини олиб ташлашга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш керак.

**Ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат комиссияси, шунингдек, ҳозирча бор-йўқлиги билинмаётган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бутун кучини ишга солиши шарт.** Яқин кунларда шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш зарур.

Бешинчи. **Экспортни кенгайтириш ва валюта тўлов балансини мустаҳкамлаш масалалари** устувор вазифа бўлиб турибди.

Корхонани валюта ишлашга ундовчи омил бўладиган механизм яратиш керак. Алоҳида таъкидлаб айтаман: **ўз маҳсулотини экспорт қилиш ҳисобидан валюта тушумига эга бўлмаган бирон-бир корхона ўз ишини қониқарли деб ҳисоблашга ҳақли эмас.**

Ташқи савдони такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон пахта толасини сертификациялаш мустақил марказини тузиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Бухоро шаҳридаги пахта толасини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича база ташкил этишда ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларидаги мавжуд омборлар базасида ана шундай комплекслар тузишда эришилган ижобий тажрибаларни янада мустаҳкамлаш керак.

Кимё тармоғида, шу жумладан, республикадан ташқарида ҳам, консигнацион омборлар ташкил этиш масалаларини ҳал этиш зарур. Бу ўзимизда чиқариладиган ўғитларни жаҳон бозорида ва ички бозорда уларга бўлган талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб сотиш имконини беради.

Олтинчиси. **Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш.**

Албатта, бу бир-икки йил ичида ҳал қилинадиган муаммо эмас. 1998 йилда, энг аввало, умумий ўрта ва махсус таълим ислоҳотини бошлашимиз керак.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда ҳуқуқий асосни яратувчи бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мажмуи қабул қилинган.

Ҳозир янги типдаги ўқув муассасалари - **академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари** фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳужжат ва қоидаларни ишлаб чиқишга эътиборни қаратмоқ зарур.

«Таълим» харита-схемасини тузиш бўйича ишни якунлаш керак. Шу қаторда энг муҳим масала - академик лицейлар ва касб-малака коллежлари ишини ташкил қилиш учун амалдаги ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари моддий ва маънавий салоҳиятидан фойдаланиш имконини даражасини аниқ белгилаб олишдир.

Шунингдек, янги ўқув муассасалари сони, жойлашиши ва ихтисоси, уларнинг техник жиҳатдан жиҳозланиши, минтақаларнинг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожи, жўғрофий ва демографик ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда малакали педагогик кадрлар билан таъминланишини аниқлаш ҳам кўзда тутилиши зарур.

Республика манфаатларидан келиб чиқиб, профессионал меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар таълими турлари бўйича йўналишлар, ихтисослар ва касбларни туркумлаш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаракатга келтириш лозим.

Еттинчи. **Фонд бозорини ривожлантириш.** Эркин пул маблағлари, жумладан, ўзимизнинг ички имкониятларимизни ва хорижий сармояларни фонд бозори орқали жалб қилишни кенгайтириш механизмларини ва аниқ қоидаларини ишлаб чиқиш лозим. Қимматли қоғозлар бозори муомаласида бирламчи ва иккиламчи савдо бўйича ҳам мукаммал фонд бозорини шакллантириш зарур.

Ваколатли бошқарув услубини жорий этиш йўли билан давлат акцияларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга эришиш керак. Бунда давлат пакетларини танлов асосида энг қобилиятли, лаёқатли раҳбарларга бериш кўзда тутилади.

Энг муҳим масала - акция эгалари ўзларини нафақат қўшимча даромад, балки акция чиқарган корхоналарнинг эгаси сифатида ҳис қилишларини тарбиялашимиз лозим.

Ўзбекистонга кредит рейтингини олиш йўли орқали республика фонд бозорининг халқаро капитал бозори билан бирлаштирувини таъминлаш, мамлакат қимматли қоғозлар бозорида хорижий сармоядорлар иштироки механизми ва ҳуқуқий асосини такомиллаштириш зарур.

Чет эл қимматли қоғозлар бозорида эса Ўзбекистон корхоналари чиқарадиган акцияларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш лозим.

Жаҳоннинг етакчи инвестицион институтлари билан техник ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда хорижий сармоядорлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш андозаларини такомиллаштириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Яна бир ўта муҳим масала. Бугунги кунда фақат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказаётган энг хавфли иллат - коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда.

Ўтган йилга якун ясаб, 1998 йилдаги бош вазифаларни белгилар эканмиз, ушбу хавфга яна ва яна бир бор алоҳида эътибор қаратишга мажбурмиз.

Ушбу масала бўйича кейинги йиллардаги ишларнинг аҳволи таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган жиноятлар уруғи тобора кўпайиб бормоқда.

1996-1997 йилларнинг ўзидагина қарийб 9 мингга яқин шундай турдаги жиноят аниқланган. Ушбу жиноятларни содир этишда масъул ходимлар ҳам иштирок этган. Ҳокимликларнинг 13 нафар раҳбар ходими порахўрлик, ўта катта миқдордаги юлғичлик ва лавозимини суиистеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Банк-молия соҳасида, давлат мулкини хусусийлаштиришда, қимматли қоғозлар муомаласида, кичик ва хусусий корхоналар тузишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнларида уюшган жиноятчи гуруҳлар содир этаётган қонунбузарликлар сонининг ошиши айниқса, ташвишлидир.

1997 йилда хусусийлаштириш соҳасининг ўзида прокуратура органлари томонидан 480 нафар айбдор шахс жавобгарликка тортилди, 44 та иш бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Кўпгина ҳолларда хусусийлаштирилаётган объектлар қиймати сунъий равишда арзонлаштирилгани фош этилди. Бундай фактлар Навоий, Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм, Андижон, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида айниқса, кўпдир.

Иқтисодиёт соҳасида қонунчиликка ва ахлоқ қоидаларига амал қилиш борасидаги ишларнинг аҳволи, аниқ далиллар таҳлили шундан далолат берадики, биз коррупция билан кураш масаласига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Чунки коррупция амалга оширилаётган ислоҳотларни тўғридан-тўғри обрўсизлантириб, унинг маъномоҳиятига доғ туширмоқда.

Тартиб-қоидани мустаҳкамлаш ва қонунларга риоя этишни кучайтириш, кичик корхоналар ва тадбиркорлар манфаатларини ишончли, ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган, кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз лозим. Бунда, энг аввало, порахўрлик, таъмагирлик ва товламачилик йўли қатъий тўсилиши керак.

Айниқса, қонун посбони бўла туриб, тадбиркорлар манфаатларини муҳофаза этиши лозим бўлган, мажозан айтганда, **қўли пок бўлиши зарур бўлган** ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзида манфаатпарастлик, порахўрлик, коррупция, айбдорларга ҳомийлик қилиш, ўз ишига жинояткорона совуққонлик муносабатида бўлиш каби ҳолларга қатъиян чек қўйиш зарур.

Давлат солиқ хизмати тизимида талай қонунбузарликлар, порахўрликлар содир этилгани фош қилинди. Биз солиқ хизмати ходимларининг барчасини аттестациядан ўтказишга, уларнинг сафини мазкур соҳага суқилиб кирган нопок, нолойиқ кимсалардан тозалашга мажбурмиз.

Афсуски, жиноятга қўл ураётганлар орасида ҳамон милиция формасини кийиб юрганлар ҳам бор. Энг кўп жиноятни Самарқанд, Тошкент, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри милиция ходимлари содир этишмоқда.

1996-1997 йиллар мобайнида ҳуқуқ-тартибот органларида 191 киши порахўрлик билан қўлга тушиб, 257 киши мансабини суиистеъмол қилишда айбланиб, қилмишларига яраша жазо олдилар.

Суд органларидан 26, прокуратурадан 13 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилиб, турли йилларга озодликдан маҳрум этилди. Божхона ходимларидан 76 киши жиноий ишга қўл ургани аниқланди.

Кимки, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилишим мумкин, мушугимни биров «пишт» деёлмайди, деб ўйлаган бўлса, янглишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят аввало органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўкади, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказади.

Мана шу юксак минбардан туриб, мазкур соҳа ходимларини огоҳлантирмоқчиман: сизларга бошқаларга нисбатан алоҳида талаб қўйилади. Шундан хулоса: сафингизда йўл қўйилган ҳар қандай қонунбузарлик ва жиноят учун шафқатсиз жазо оласизлар!

Қўйилаётган талабларга қай даражада муносиб эканликларини текшириб туриш учун ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини мунтазам равишда аттестациядан ўтказишни йўлга қўйиш зарур.

Прокуратура, милиция қошида, божхона ва солиқ қўмиталари ҳузурида махсус инспекциялар тузиш керак. Токи улар ходимларини аттестациядан ўтказиш, органларимиз сафларининг тозалиги учун жавоб берсинлар.

Муҳтарам дўстлар!

Рўй-рост айтишим керак, кўриб турганингиздек, жорий йилдаги вазифаларимиз жуда катта ва мураккаб. 1998 йилда олдимизга қўяётган мазкур вазифалар мамлакатимизни бозор ва демократик ислоҳотлар йўлидан босқичма-босқич, изчил ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир.

Аминманки, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда мазкур дастурнинг амалга оширилиши янгиланиш ва тараққиёт сари олға силжишимиз, халқимизнинг тўқ, фаровон яшаши учун мустаҳкам моддий ва маънавий замин яратади.

Ана шу эзгу тилакларнинг рўёбга чиқиши учун барчангизга соғлик-саломатлик, омад тилайман.

(Боши 1-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

# Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида

ўрта махсус ва касб-ҳунар-техника таълимининг фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг ҳамда улар негизида ташкил қилинаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув дастурларини унификациялаш, педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юкланади;

фаолият кўрсатаётган ўрта махсус таълим муассасалари ва улар негизида ташкил қилинаётган Маданият ишлари вазирлигининг, Бадиий академиянинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг касб-ҳунар коллежлари уларнинг тасарруфида қолади;

ўрта махсус ва касб-ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда уларнинг негизида ташкил этилаётган тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналарнинг касб-ҳунар коллежлари икки томонлама бўйсунишда бўлади. Тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналар уларни моддий ва молиявий таъминлашни, ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатишни ва уларда амалий кўникмаларни тарбиялашни амалга оширадилар, мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қиладилар; вазирликлар, идоралар ва корхоналар маблағлари ҳисобига таъминланадиган ўқув юртлари бўйича маблағ билан таъминлашнинг мавжуд тартиби сақланиб қолади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежи намунавий уставларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналар билан биргаликда икки томонлама бўйсунишдаги касб-ҳунар коллежларининг намунавий уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1998 йилда тажриба тариқасида ташкил этиладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари рўйхатини аниқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат тест маркази академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабул қилиш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барқарор ишлаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг айримларини ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежларига васий этиб белгиласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси: касб-ҳунар коллежлари устидан тегишли ихтисосликдаги олий таълим муассасалари, академик лицейлар устидан эса — Фанлар академиясининг институтлари ҳомийлигини таъминласинлар;

касб-ҳунар коллежи васийси тўғрисидаги Низомни, шунингдек академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳомийси тўғрисидаги Низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда амалга киритсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун педагог ва муҳандис-педагог кадрларни мақсадли тайёрлашни таъминласин.

Касб-ҳунар коллежлари учун малакали педагог ва муҳандис педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасалари сифатида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва Наманган индустриал-технология институти белгилансин.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ва Наманган индустриал-технология институти Наманган муҳандислик-педагогика институтига айлантирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкил этилаётган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига берилсин.

13. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг сифатли таълим ва касб-ҳунар дастурларини яратиш, илғор илмий ва услубий ютуқлар асосида сифатли кадрлар тайёрлаш мақсадида Касб-ҳунар таълими институти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимларининг малакасини ошириш институти негизида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ташкил этилсин, у Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсундирилсин.

14. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти Касб-ҳунар таълими институти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институтининг ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Касб-ҳунар таълими институти, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институти штатларини, мол-мулкини ва молиявий маблағларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти балансига берсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти тўғрисидаги Низомни, унинг илмий тадқиқотлар дастурини ва маблағ билан таъминлаш ҳажмларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

тегишли вазирликлар ва идоралардан берилаётган штатларни, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳамда бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази харажатлари учун республика бюджетида зарур маблағларни назарда тутсин;

Марказга иккита енгил автомашина учун лимит ажратсин, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси транспорт хизмати кўрсатишни таъминласин.

17. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказини Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 6-уйдаги маъмурий бинога жойлаштирсин;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтини Тошкент шаҳар, Пушкин кўчасидаги 7-уйга жойлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.



**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 24 феврал.

---

## «МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

???

*Агар синфларда ўқувчилар сони 25 ва ундан ортиқ бўлса, чет тили, меҳнат, жисмоний тарбия, информатикадан 2 гуруҳга бўлиниб, дарс берилади. Ўқувчилар сони иккинчи ярим йилликда 25 нафардан камайиб қолса, дарс бераётган ўқитувчиларнинг ҳафталик соатларини камайтириш лозимми ёки йўқми?*

*Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги 5-мактаб ўқитувчилари*

!!!

**Халқ таълими вазирлиги режа ва молия бош бошқармаси бошлиғи муовини А. Икромов таҳрири остидаги жавоблар:**

**Агар ўқувчилар сони иккинчи ярим йилликда 25 нафардан камайиб қолса, белгиланган фанлар бўлиб ўқитилмайди.**

* * *

???

*Чет тили ёки бошланғич ҳарбий таълим дарси бўйича ўтиладиган соатларга нима учун қўшимча пул тўланмайди?*

*Раҳбарлик ставкасига қўшимча ҳақ тўланиши тўғрими?*

*Т. Норқобилов, Шўрчи тумани*

!!!

**Халқ таълими вазирлигининг 1991 йил 2 декабрь 03-1140 сонли кўрсатмасига асосан, бошланғич ҳарбий таълим раҳбарларининг ойлик иш ҳақи ичига ҳафтасига 12 соатгача дарс бериш вазифаси киритилган, ундан ошиқча дарс соатлари учун тарификация асосида ҳақ тўланади.**

**Мактаб раҳбарлари дарс берсалар, тарификация асосида ҳақ оладилар. Чунки уларга ойлик иш ҳақи ичига дарс бериш вазифаси юклатилмаган.**

---

O'quvchingiz nimalarni o'qiyapti?

# «ТОНГ ЮЛДУЗИ» ПОРЛАБ ТУРСИН

Тунов куни автобусда ишдан қайтаётсам, тиқилинчга ҳам қарамасдан қўлидаги менга таниш газетани қизиқиш билан ўқиб кетаётган 10-12 ёшлардаги болакайни кўриб қолдим. Бир оз туриб болага савол бердим:

— Исмингиз нима?

— Шерзод.

— Шерзоджон, ёшингиз нечада?

— Ёшим 11да.

Ўзимни билмаганга олиб яна сўрайман:

— Қўлингиздаги қандай газета?

— «Тонг юлдузи».

— Э, ҳали шунақа газета ҳам борми бизда?

— Ака, шуниям билмайсизми? — «соддалигим»дан дадилланиб сўз қотди Шерзоджон. — Ахир, бу болаларнинг энг зўр газетаси-ку! Мана, «Ёш иқтисодчи»ни ўқиб кўринг.

У қўлимга газета иловасини тутқазади...

Дарвоқе, кейинги пайтда Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг «Тонг юлдузи» газетаси нафақат болалар ўртасида, балки катталар орасида ҳам шов-шувларга сабаб бўлди. Хўш, ўқувчингиз нималарни ўқияпти, азиз ўқитувчилар? Хабардормисиз?

Бугун «Тонг юлдузи» эл оғзига тушди. Айниқса, болаларимиз кўп ўқияпти. Асосий сабаб газета ижодий ходимларининг машаққатли меҳнатлари эвазига саҳифа юзини кўраётган турли мавзулардаги сермазмун мақолалар, мулоҳазали ҳикмат ва мушоҳадали шеърлар, кишини ўзига «тортадиган» сурат ва лавҳалардир. Яқиндан бошлаб «Тонг юлдузи»га илова тарзида чоп этилаётган «Ёш иқтисодчи» саҳифаларидаги бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган кичик-кичик тестлар, компьютер саводхонлиги, бошланғич бизнес ҳақидаги умумий маълумотлар мамлакатимизда эртанги кун учун янги иш одамлари, иқтисодчи, банкирлар шаклланишига кўмаклашса, ундаги сурат-топишмоқлар, лабиринт машқлари болажонларнинг мустақил фикрлашларига имкон беради.

Ушбу газета ҳақида унинг доимий муштарийси бўлган Тошкент шаҳридаги 114-мактаб-гимназиянинг 5-«А» синф ўқувчиси Жалолиддин Саъдиновдан фикр сўраймиз:

— Мен «Тонг юлдузи»га ойим ва дадамларнинг кўмаги билан обуна бўлдим. Кейинги вақтда бу газетага қизиқишим ортиб, ўзим ҳам унга мақолалар жўнатяпман. Ҳозирча икки мақолам чиқди. Сўнгиси 17 февралда газетанинг «Ёш иқтисодчи» иловасида «Менга жуда ёққан қиссалар» номи билан чиқди. Мен, ойим, дадам, акаларим — ҳаммамиз хурсанд бўлдик.

«Тонг юлдузи» ўзининг «Мактабим — ўз уйим», «Оналар ёзади», «Очиқ дарслар», «Мезон», «Қаламча», «Хонадон», «Дунё дарчаси», «Чарх», «Истеъдод», «Орзу», «Кўзгу», «Зирапча» каби ўнлаб рубрикалари остида ўсмирларнинг бугунги қизиқишлари, муаммо ва мулоҳазалари устида сўз юритади. Газетанинг энг сўнгги — 24 феврал сонидан «Ҳайратларда қолди Навоий» (Муҳаббат Йўлдошева), «Бир марта айтилган қўшиқ» (Саодат Донобоева), «Оламни асранг» (Дилрабо Давлатова), «Афсонадан афсоналарга» (Отабек Ҳасанов, Тошкент шаҳридаги 178-мактаб ўқувчиси), «Мен ясаган қўғирчоқ» (М. Бекчонова, «Хива тонги» газетасининг адабий ходими), «Iqtisodiyot saboqlari» (Erkin Usmonov), «Мен банкда ишламоқчиман» (М. Икромова), «Компьютер шоу — бугуннинг дарси» (Асқар Шокир), «Умр ҳикоялари» (Назармат) каби ўнлаб сара мақола ва ҳикоя, сабоқ ва кечинмалар жой олган.

«Тонг юлдузи»нинг муассислари — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармалари юртимиз болаларига бағри кенглик қилишди: гарчи газетанинг бир нусхаси обуна баҳоси 6 сўм бўлса-да, у ҳафтада бир марта 16 саҳифада ўқувчилар қўлига етиб боряпти. Демак, газетанинг асосий харажатини давлатимиз ўз зиммасига оляпти. Болаларимиз онгини ошириш йўлидаги катта ғамхўрликларнинг кичик бир кўриниши эмасми, бу? Илло, бу янглиғ ўтказилаётган янги дарахт мевалари тотли бўлғусидир. «Тонг юлдузи» эса ҳамиша порлаб турсин.

**Норали АСЛОН,**
**«Маърифат» мухбири**

---

# СИНОВ КУНЛАРИ ЯҚИН

*Орадан роппа-роса бир йил ўтди. Яна ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт ҳузуримизда. Ҳайрон бўлманг, бу анъанавий фанлар олимпиадаси.*

*Кеча ушбу олимпиаданинг бу йилги тўртинчи республика босқичини қандай ўтказиш лозимлиги юзасидан давра йиғини бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлигининг мажлислар залида бўлган йиғилишда олимпиадани ўтказиш комиссияси аъзолари ҳамда республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қатнашди.*

*Дарвоқе, бу сингари йиғилишларнинг фойдаси хусусида ижросидан сўнг гапирсак-да, ҳукмингизга бошқа бир хабарни илова этсак: газетанинг кейинги чиқишларида бу йилги республика олимпиадасида иштирок этадиган ўқувчилар рўйхати эълон қилинади.*

**Алишер НАЗАР**

---

Munosabat

# ЙЎЛДА ЮРИШ МАДАНИЯТИ

20-аср кенг маънодаги мўъжизалар асри бўлди, десак янгилишмаймиз. Бунда 19-асрда ихтиро этилган «Шайтон арава» — автомобиль ва шу каби бошқа транспорт воситалари анча замонавий тус олди, мукаммаллаштирилди. Мазкур техника воситалари кишиларга мададкор бўлиши ва янгича имкониятлар туғдириши билан бир қаторда унинг ўзига яраша ташвиши ҳам бор. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда кейинги йилларда айни йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши оқибатида юзминглаб кишилар жароҳатланмоқда, Минглаб одамлар ҳаётдан эрта кўз юммоқда. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг вақти-вақти билан республикамизда содир бўлаётганлиги кишини ташвишлантиради.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан 1998 йил март ойини «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» деб эълон этилиши халқ таълими тизими ходимларига ҳам анчайин залворли масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, кишилар йўл ҳаракати қоидалари билан илк маротаба мактаб парталарида танишадилар. Боғча ва мактабданоқ ўқувчига йўлда тўғри юриш қоидалари мукаммал ўргатилса, у бир умр бунга амал қилади. Афсуски, йўл ҳаракати билан боғлиқ аксарият фожиали ҳодисалар кўп ҳолларда мактаб ўқувчилари иштирокида содир бўлаётганлиги айрим мактабларда бу соҳага нисбатан лоқайдликни ва совуққонликни кўрсатмоқда. Хўш, бундай фалокатларни олдини олишнинг энг оддий ва осон, хайриятга олиб борадиган йўли нимада?

Бизнингча ҳар бир синф раҳбари ўқувчиларга тарбиявий соатларда йўл юриш тартибларини кўргазмали қуроллар асосида тушунтирмоғи, агар унинг айтганларига амал қилинмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини уқтириб ўтмоғи лозим. Шунингдек, мактабда туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларининг давлат автомобиль назорати органлари ходимлари билан тез-тез амалий учрашувлар, ўтказмоғи, ўқувчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларидан нечоғли хабардор эканлигини аниқлаш ва уларни қизиқтириш мақсадида «Яшил чироқ», «Светофор», «Чорраҳа» мусобақаларини уюштиришлари лозим бўлади. Мактабларда юқори синф ўқувчиларидан «Ёш назоратчилар» гуруҳи ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги мактабларнинг аксарияти катта йўл бўйларида жойлашган. Ана шундай транспорт ва пиёдалар ҳаракати серқатнов йўллар ва жойларда эрталаб, ўқувчилар дарсга келадиган вақтда ва тушда, улар дарсдан қайтаётган маҳалда «Ёш назоратчилар» гуруҳи аъзолари навбатчилик қилишлари керак бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, боғча ва мактабларда бу борадаги ишлар доимий тўғри йўлга қўйилса, нафақат «ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» намунали тарзда ўтади, балки ёшларимизнинг йўлда юриш маданиятларини ошириш ҳам анъанага айланиб қолади.

**Н. ОЧИЛОВ**

---

San'at

# БОЛАЛАР КУЛГУСИ ЖАРАНГЛАР!

Айни шу шиор остида эстрада жамоаларининг мамлакатимиз туман ва шаҳарлари бўйлаб сафари бошланди.

Республикамиздаги таниқли эстрада жамоаларидан иборат сафар гуруҳи ўтган куни Юқори Чирчиқ туманига ташриф буюрди. «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти маданият саройида туманнинг мингдан зиёд ўқувчиларига хайрия концерти туҳфа этилди. Улар ўз истеъдодларини намойиш қилдилар.

Туманда айни пайтда 50 дан зиёд боқувчисини йўқотган болалар Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган барча ғамхўрликлар туфайли етимлик нималигини билмай ўсмоқдалар.

Оила йили шарофати билан улар кўплаб тенгқурлари олдида Тошкентдаги «Аладин», «Зиёда», «Шаҳзод» эстрада гуруҳлари, шунингдек, Чирчиқ шаҳар маданият саройининг «Петрушка» қўғирчоқ театри, Чирчиқдаги химиклар маданият уйининг «Солнышко» рақс гуруҳи, «Дўстлик»даги «Жемчужина» хореографик, «Калгим» халқ чолғу корейс ансамбллари, таниқли эстрада хонандаси Ўктам Ҳакимовларнинг ҳар бир чиқишлари мурғак қалбларда олам-олам таассуротлар қолдирди.

Ҳа, болаларнинг кулгуси бор экан, элимиз, юртимизда тинчлик осойишталик намоёнлиги аниқ. Болалар кулар экан, келажакка ишонч туйғуси тўла жўш ураверади.

**Саидмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ,**
**Юқори Чирчиқ тумани «Суръат-Қарқын» газетаси муҳаррири**

---

Metall — Vatanga

# ИБРАТЛИЛАРГА ҚЎШИЛИНГ

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида давлатга қора ва рангли металл парчаларини топшириш бўйича штаб йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вазир ўринбосари, мазкур штаб бошлиғи Муртазо Султонов бошқарди.**

**Йиғилишда вилоятлар халқ таълими муассасаларида қора ва рангли металл парчаларини топшириш бўйича давлат режасининг бажарилиши тўғрисида ахборотлар тингланди. Хусусан, Андижон ВХТБ (бошлиғи — Ж. Халилов), Асака педагогика билим юрти (директори — М. Камолдинов), Қарши ПБЮ (директори — Р. Ражабов), Қашқадарё вилоят «Таълим — таъминот» корхонаси (директори — М. Эшимов), Ангор ПБЮ (директори — У. Дўстмуродов), Сурхондарё вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси (директори — Н. Хайитқулов), Ангрен ПБЮ (директори — А. Абдиев), Тошкент вилоят «Таълим-таъминот» корхонаси (директори — М. Мирзаев), 2-Тошкент ПБЮ (директори — О. Эшонхўжаева), Ражабий номли ПБЮ (директори — Р. Абдуназаров), республика мусиқа мактаб-интернати (директори — М. Каримова), Тошкент ҳарбий лицейи (директори — С. Аҳроров), Қўқон Давлат педагогика институти (ректори — И. Сулаймонов), Хива ПБЮ (директори — З. Қўчқоров), Нукус ПБЮ (директори — Н. Жумабоев) жамоалари 1998 йил режасини бажарганликлари таъкидланди.**

**Шунингдек, йиғилишда жойлардаги таълим муассасаларида давлатга металл топшириш жараёнини жадаллаштириш вазифалари белгилаб олинди.**

**Нурлан УСМОНОВ**

---

Yangilik

# АЙНИ МУДДАО

***Вилоятларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Истеъдод» марказининг бўлимлари фаолият кўрсатиб келаётир. Бироқ у ерда иш юритаётган раҳбар ва ходимларнинг барчаси ҳам ўз соҳасининг мутахассислари эмас. Шу сабабли жойлардаги «Истеъдод» марказларининг раҳбарларига йўл-йўриқ, иш юритиш услубларини ўргатиш мақсадида Республика «Истеъдод» марказида илк маротаба малака ошириш курси ташкил этилди. Икки ҳафта мобайнида давом этадиган бу курснинг дастлабки тингловчилари малака оширишяпти. Қуйида курс тингловчилари бу ҳақда ўз фикрларини билдиришади.***

**Абдумалик ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Сурхондарё вилояти «Истеъдод» маркази бўлими бошлиғи:**

— Самарқанд давлат университетининг физика факультетини тугатгач, бир неча йил мaориф соҳасида ишладим. 1997 йилдан буён марказга раҳбарлик қиламан. Республика «Истеъдод» марказида малака ошириш курсининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Бу ўқиш «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» талабларининг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида жойлардаги истеъдодли болаларни чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамият касб этади деб ўйлайман.

**Ёқубжон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Марказнинг Наманган вилояти бўлими раҳбари, психолог:**

— Малака ошириш курси машғулотларида иштирок этяпман. Режа бўйича бу курс машғулотлари бир йилда икки маротаба ўтказилиши кўзда тутилган экан. Бироқ бу машғулотлар қанчалик кўп ташкил этилса, шунча яхши. Менимча, малака ошириш курслари вилоятларда ҳам очилиши керак. Барча мактабларимиз психолог билан таъминланиши лозим. Улар ҳам курсларга жалб этилса, ишлар янада самарали бўлади. Раҳбарлар билан бир қаторда ходимларнинг ўқитилишини ҳам йўлга қўйиш лозим.

**Басбуви МАМАТҚУЛОВА,**
**Жиззах вилояти бўлими раҳбари:**

— Мен асли қурувчи-муҳандис мутахассислигини эгаллаганман. Бироқ вазият тақозоси билан «Истеъдод» марказига раҳбарлик қиляпман. Курсда ўқишни ўзим учун жуда катта ютуқ деб биламан. Чунки мен бу ерда болаларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш ҳамда уларнинг психологиясини билиш усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлдим. Истеъдод оддий халқ орасида бўлади. Шу сабабли истеъдодли ўқувчилар психологиясини қанчалик кўп ўргансак, улар ўз иқтидорларини янада кенгроқ намоён эта оладилар.

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА**

